БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ БАҒРИКЕНГЛИК (ТОЛЕРАНТЛИК) РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

К.Зокиров, И.Бадалхўжаев, А.Ҳусанов

Мақолада биология таълими жараёнида ўқувчиларни бағрикенглик (толерантлик) руҳида тарбиялаш имкониятлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган «Муҳитнинг биотик омиллари» мавзусини ўрганиш мисолида очиб берилган.

***Калит сўзлар**: бағрикенглик (толерантлик), биотик омиллар, яшаш учун кураш, яшаш муҳити, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳат яшаш.*

В статье рассмотрены возможности воспитания чувства толерантности у учащихся академических лицеев и профессиональных колледжей в процессе обучения биологии на примере темы «Биотические факторы среды».

***Ключевые слова**: толерантность, биотические факторы, борьба за выживание, среда обитания, взаимопомощь, сосуществование.*

On the basis of the theme 'Biotic factors of environment' the authors try to explain the possibility of the sense of tolerance of the students of the academic lycees and professional colleges at the lessons of biology.

***Key words**: tolerance, biotic factors, fight for survival, environment, mutual assistance, coexistence.*

Ўқувчиларни турли миллат ва элатларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, ҳис-туйғулари моҳиятини тушуниш, маълум нарса ва ҳодисаларга оид фикр-мулоҳазалари, маънавий-ахлоқий қарашлари, эътиқодларини ҳурмат қилишга ундовчи, йўналтирувчи тарбия – бағрикенглик ёки толерантлик тарбиясидир.

Бағрикенглик фақат инсонларга эмас, балки табиатдаги барча тирик организмларга ҳам хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Маълумки, тирик организмлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонлар таналарида яшайди. Мазкур яшаш жойларида, баъзи ҳолларда, юзлаб турларга мансуб микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонлар тарқалиб, улар яшаш жойи, озуқа етишмаслиги, бошқа жонивор-ларга ем бўлиб кетмаслик каби муаммоларга дуч келишади ва оқибатда улар орасида ўзаро рақобат юзага келади. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилган организмларгина табиатда яшаб, сақланиб, ўзларидан авлод қолдиришади. Тарихий тараққиёт бу мураккаб муаммоларни ечишнинг энг тўғри йўли организмлар орасида тотувлик, ўзаро фойдали алоқалар, бир-бирларига ёрдам бериш эканлигини кўрсатгани туфайли тирик организмлар орасида ўзаро тинч-тотув яшашнинг бир қатор шакллари пайдо бўлган. Маълумки, Ч.Дарвин таълимотига кўра, яшаш учун кураш табиатда кучли организмларнинг кучсизларни сиқиб чиқариши ва ўзларининг яшаб, авлод қолдириши демакдир. Бироқ табиатда организмлар орасида яшаш учун кураш билан бир қаторда, ўзаро ёрдам бериш, ҳамжиҳатликдек муҳим жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу боисдан умумий биология таълимида турли организмларнинг бошқа организмлар билан алоқалари, яшаш

***К.Зокиров** – АДУ зоология ва биокимё кафедраси доценти, биология фанлари номзоди;*
***И.Бадалхўжаев** – шу кафедра доценти, биология фанлари номзоди;*
***А.Ҳусанов** – шу кафедра катта ўқитувчиси.*

тарзларига бағишланган мавзуларни ўтишда ёшларда бағрикенглик ҳис-туйғуларини тарбиялашнинг катта имкониятлари мавжуд. Бинобарин, мазкур мавзуларни ўрганиш жарёнида ўқитувчи организмлар орасидаги ўзаро муносабатларда содир бўладиган боғланишлар, уларнинг асрлар оша бир-бирларига ўзаро ёрдам бериб, тур сифатида табиатда яшаб келаётганини тушунтиради. Инсонлар ҳаётида ҳам бундай боғланишлар муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланади, шундай боғланишлар натижасида инсонлар ҳаёти фаровон, тинч-осойишталиги, давлатларнинг тобора ривожланиб бориши; аксинча, инсонлар орасида ўзаро келишмовчиликлар, бир-бирларини камситиш, туҳмат, иғволар, ҳаёт тарзи ва урф-одатлари, маънавияти, маданияти, диний қарашлари камситилаётган жойларда турли низолар, урушлар келиб чиқаётгани тўғрисидаги материаллар асосида дарс ўтиш мақсадга мувофиқ саналади.

Биология фани умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ва талабаларига тирик организмлар, уларнинг табиатда тарқалиши, тузилиши, ҳаётий жараёнлари, тарихий ривожланишлари каби қатор масалаларнинг умумий қонуниятлари тўғрисида таълим ва тарбия бериш вазифасини ўтайди. Айниқса, яшаш учун кураш, организмларнинг мосланиши ва уларнинг нисбийлиги, экология фани ва унинг вазифалари, муҳитнинг биотик омиллари, тур ва популяцияларнинг экологик таърифи, турларни муҳофаза қилиш, биогеоценозлар ва уларнинг хусусиятлари, озуқа занжири ва экологик пирамидалар каби мавзулар ўқувчиларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш вазифасини бажаришга жуда мос келади.

Қуйида биз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари биология фанидаги «Муҳитнинг биотик омиллари» мавзусини ўқитишда ўқувчиларни бағрикенглик руҳида тарбиялашга оид баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Мавзу: «Муҳитнинг биотик омиллари»
Дарс типи – жорий дарс

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларга табиатда тарқалган тирик организмларнинг яшаш учун курашда доимо бир-бирлари билан ўзаро боғланишлари биотик омиллар дейилиб, уларнинг рақобат, текинхўрлик ва йиртқичлик, нейтраллик, мутуализм, комменсализм, симбиоз каби хиллари борлиги, бу боғанишларнинг организмлар ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илмий билимларни ўргатиш кўзда тутилади.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: организмлар орасидаги биотик боғланишлар тўғрисидаги билимлардан фойдаланиб хулосалар чиқариш, биотик боғланишларга оид билимлардан, ўз ҳаётий кузатишларидан ишонарли мисоллар, фактлар келтира олиш, дарслик ва қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш малакаларини янада ривожлантириш кабилар кўзда тутилади.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: организмлар орасидаги биотик боғланишларда ўсимлик ва ҳайвонларнинг биргаликда, бир-бирларига ёрдам бериб яшашларини кўрсатувчи материаллар воситасида ўқувчиларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш амалга оширилади.

Мавзуни ўрганишдаги асосий тушунчалар: биотик омиллар, нейтрализм, антибиоз, симбиоз, ўзаро рақобат, мутуализм, ҳамсоялик, комменсализм.

Мавзуни ўрганиш методлари: муаммоли вазият яратиш, баҳс, кўргазмалилик.

Дарс жиҳозлари: компьютерлар, проектор, организмлар орасида яшаш учун курашни акс эттирувчи ўқув жадваллари, презентациялар, мультимедия материаллари.

Адабиётлар:

1. A.Abdukarimov va b. Biologiya. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – T., 2012.

2. I. Azimov va boshqalar. Biologiya (Sitologiya va genetika asoslari). Metodik qo`llanma.- T., 2002.

3. Р.А. Гурова. Уроки биологии.- Т.: Ўқитувчи, 1988.

Предметлараро боғланишлар:

1. O.Mavlonov. Zoologiya. 7–sinf. O`zbekiston Respublikasi Xalq ta`limi vazirligi umumta`lim maktabiarining 7-sinfi uchun darslik sifaitda tasdiqlangan.- T., 2009.

2. A.E.Eshonqulov, Sh.Ahmedov. Odam anatomiyasi va fiziologiyasi. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik.- T., 2010

3. П.А.Кропоткин. Взаимопомощь среды животных и людей.- Минск, 2006.

Мавзуни ўрганиш режаси

Табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиш тезлиги тўғрисида суҳбат.

Муҳитнинг биотик омиллари.

Организмларнинг ўзар муносабат хиллари.

Организмлар орасидаги рақобат ва унинг аҳамияти.

Организмлар орасида текинхўрлик ҳодисаси.

Организмлар орасида йиртқичлик.

Организмлар орасида симбиоз, мутуализм ҳодисаси.

Организмлар орасидаги биотик боғланишларнинг инсонлар ҳаётида акс этиши.

Янги мавзуни ўрганишнинг бошланишида ўқитувчи ўқувчилар билан табиатда ўсимлик ва ҳайвонлар жуда тез кўпайиб кетиши тўғрисида суҳбат қилади. Ўқувчиларнинг бу масала бўйича фикр-мулоҳазаларини тинглагач, қўшимча сифатида янги туғилган организмларнинг ҳаммаси яшаб қолмаслиги, ҳар қандай организм туғилиши билан ташқи муҳитнинг аёвсиз синовларига дучор бўлиши, туғилган жойдаги абиотик ва биотик омилларига чидаб, мослашган тақдирдагина ўсиб, ривожланиб, авлод қолдириши, ташқи таъсирларга мослаша олмаганлари нобуд бўлиб кетиши ҳақида сўзлайди. Мисол сифатида дунёга келган индвидларнинг барчаси ҳеч қандай ёмон таъсирларга учрамай яшаб қолаверганда эди, инфузорияларнинг ўзи бир ҳафта ичида ер юзини 5 см, балиқлар 3 метр қалинликда ўраб олиши мумкинлиги тўғрисидаги материалларни баён қилади.

Дарс давомида организмларнинг яшаб қолишига имкон берувчи биотик омиллар масаласига ўтилади. Ўқув жадваллари, презентация материаллари асосида биотик боғланишларнинг хиллари тўғрисида билимлар ўргатилади. Биотик боғланиш хилларидан рақобат, текинхўрлик, йиртқичлик ҳодисалари мультимедия материаллари намойиши асосида тушунтирилади.

Ҳайвонот оламида ўзаро ёрдам фақатгина умуртқали ҳайвонлардагина эмас, балки умуртқасизларда ҳам кузатилади. Масалан, гўнгхўр қўнғизлар ўзлари гўнгдан ясаган шарчалар ичига тухум қўйишади. Баъзи ҳолларда улар гўнгдан ўз таналарига қараганда бир неча марта катта ҳажмда шарча тайёрлаб, уни тупроғи юмшоқроқ ердан чуқур кавлаб кўмиб қўяди. Шарчанинг катталиги, кўмиладиган жой олислиги туфайли уни юмалатиб чуқурга олиб келишга қўнғизнинг кучи доим ҳам етмайди. Шу сабабли у бошқа гўнгхўр қўнғизларни ёрдамга чорлайди, улар келиб шарчани тупроққа кўмишга ёрдамлашади.

Жамоа бўлиб яшовчи асаларилар, табиатда турли йиртқич ҳашаротлар, қушлар, ҳатто айиқлардек душманлари бўлишига қарамай, асал йиғиш учун уяларидан узоқ-узоқларга кетиб қолишади. Агар биронта асаларига қандайдир бошқа жонивор ҳужум қилса, у ўзидан махсус ҳид чиқариб, атрофда учиб юрган бошқа уядошларига хабар беради. Бу ҳид томон кўплаб асаларилар учиб келади ва душманга ёппасига ҳужум қилиб, уни қочишга мажбур қилишади. Шунга ўхшаш, бир-бирларига ёрдам бериш чумолилар, термитлар ҳаётида ҳам учраши, яна уларнинг ўз уяларида бошқа оилаларга мансуб организмлар билан ҳам яшашлари аниқланган.

Дарс давомида «Коинот гултожи бўлмиш энг юксак тузилган организм – инсонлар орасида биотик боғланишлар қандай намоён бўлади? Уларнинг бир-бирлари билан муносабатларида ўзаро ёрдам бериш хислати нечоғли ривожланган?» каби саволларни муҳокама қилишга ўтилади.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, ўқувчиларга инсонлар ҳам ёрдамга муҳтож бўлиб қолган биродарларига ҳамкор бўлиб, уларга қўлидан келганича яхшилик қилишлари зарурлиги таъкидланади. Ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳат яшаш намунаси бўлган чумолилар мисолида миллатлараро тотувлик ҳақида сўзлашга замин ҳозирлагач, ўқувчиларга Республикамиз Конституциясининг 8-моддасида Ўзбекистон халқининг миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари деб белгиланган, шунингдек, ҳар хил миллатларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига, улар орасидаги тотувликни таъминлаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган Республика байналмилал маданият маркази тузилгани ва бу марказнинг фаолияти тўғрисидаги материаллар баён қилинади. Республикамизда қадимдан тили, диний қарашлари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи ҳар хил бўлган инсонлар ўзаро тинч-тотувлик, яхши қўшничилик, биродарлик асосида яшаб келганлар. Улар орасида ўзаро қариндошлик, қуда-андалик алоқалари кўпайиб, бир-бирларига қиз бериб, келин олишган.

Айниқса, мустақиллик йилларида турли миллат, элат вакилларига катта имкониятлар яратилиб, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги реал таъминланмоқда. Юртимизда турли миллат ва элатларга мансуб одамлар бир-бирларининг урф-одатлари, қарашлари, маънавиятини доимо ҳурматлаб келганларининг тасдиғи сифатида ҳозирда Республикамизда 136 миллатга мансуб кишилар ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаб келаётгани, 2000 дан зиёд диний ташкилотлар мавжудлиги, Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларида православ, католик черковлар, Будда, мусулмон масжидлари, яҳудийлар синогоги ишлаб тургани каби фактларни етказиш муҳим.

Бироқ кейинги йилларда дунё жамоатчилиги тинчлиги, осойишталигига жиддий хавф солувчи халқаро терроризм ҳаракатлари кучайиб кетмоқда. Улар турли халқлар орасидаги миллий, маънавий, диний тотувликни бузиш, миллатлар орасида низолар чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ёвуз кучларнинг турли мамлакатлардаги қўпорувчилик ишлари туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар нобуд бўлмоқда. Бунга мисол сифатида 1990-1991 йилларда Андижон ва Наманганда, 2010 йилда Қирғизистоннинг Ўш

шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар, фожеаларни кўрсатиш мумкин. Терроризм ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишда ёшлар онгини заҳарлаш, бошқа миллат вакилларига нисбатан душманлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Шу сабабдан ҳам бундай душманларга қарши ҳушёрликни ошириш, миллатлараро бағрикенгликни янада кучайтириш, ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Турли жониворлар орасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги материалларга асосланиб, инсонлар орасидаги бир-бирларига ёрдам бериш одатига оид мисоллар (кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, қурилиш ишларида ҳашар қилиш ва ҳоказо) келтирилади. Ўзбекларнинг бағрикенглиги, айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида янада равшан кўринган. Урушга Ўзбекистондан бир миллиондан кўп жангчилар юборилган. Озод қилинган Киев, Донбасс, Харьков шаҳарларига Ўзбекистондан катта моддий ёрдам берилган. Биргина Харьков шаҳрига 40 миллион пул, 300 центнер мева, 400 центнер ғалла, 9500 дан зиёд қорамоллар юборилган [5]. Ўзбекистонликлар уруш бораётган Россия шаҳарларидан, Белоруссия, Украинадан кўчиб келган бир миллион қочоқларга ўз уйларини бўшатиб берганлари, уруш туфайли ота-оналаридан ажраб, етим бўлиб қолган 200 минг болани ўз тарбияларига олганлари каби мисоллар билан тушунтирилади. Жумладан, Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов турмуш ўртоғи Баҳри опа Акрамова билан уруш туфайли ота-онасидан ажралиб етим бўлиб қолган турли миллатларга мансуб 14 нафар болани оиласига қабул қилиб, тарбиялашган [4]. Мавзунинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти биноси пештоқига Саъдийнинг қуйидаги:

Бани Одам аъзои якди гарданд,
Ки дар офариниш зи як жавҳаранд

машҳур байти ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Зеро, байт «Бани одам бир бадан аъзоси, Ҳаммаси бир моя, бир гавҳардандир» деган маънони билдиргани учун ҳам ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг вакилларига халқаро муаммоларни ҳал қилишларида сайёрамиздаги одамларнинг барчаси бир-бирларига қон қардош эканини эслатиб турсин деган яхши мақсадда ёзиб қўйилган.

Ёшларни ахлоқий меъёрлар доирасида тарбиялаш муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Шу сабабли уларда бағрикенглик хусусиятларини шакллантириш, ривожлантириш ҳар бир ўқитувчининг асосий мақсадига айланиши лозим. Зеро, жамият аъзолари орасидаги турли келишмовчиликлар, англашилмовчиликларнинг аксарияти инсонларда бағрикенгликка оид билимлар етарли даражада шаклланмаганлиги натижасида юзага келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 2012

2. A.Abdukarimov va boshqalar. Biologiya. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik.- T.: Sharq, 2012.

3. М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2006

5. Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. Ватан тарихи. Иккинчи китоб.- Андижон: Мерос, 1996.

2014 йил 27 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Умматов)